



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » сентябрь

№ 559

Toshkent sh.

Тоғли ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бўстонлиқ тумани тоғли ҳудудларининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва чекка ҳудудларда қўшимча иш ўринлари, замонавий халқаро умумавсумий курортлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятли объектлар барпо этиш, мамлакатнинг тоғли ҳудудларидағи замонавий муҳандислик инфратузилмасини қуриш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 августдаги ПФ-6053-сон Фармони ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Франциянинг Хусусий секторга кўмак ва тадқиқот Фонди (FASEP) ёрдами билан “Geode”, “Manie Lives”, “Egis”, “Patriarche”, “Epode” француз компанияларининг консорциуми (кейинги ўринларда - Консорциум) томонидан Бўстонлиқ туманида **“Белдирсой-Чимён-Нанай”** халқаро умумавсумий курортнининг (кейинги ўринларда - ХУК) мастер-режаси ишлаб чиқилганлиги;

ушбу мастер-режада 500 миллион АҚШ долларигача бўлган инвестицияларни, шу жумладан, Франция Республикаси Ҳукумати молия институтларининг туризм, йўл-транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларини жалб қилиш назарда тутилганлиги;

ХУКни ташкил қилиш доирасида лойиҳаларни техник назорат қилиш, осма дор йўллари, чанғи трассалари, аттракционларни батафсил режалаштириш ва жойлаштириш, шунингдек, ер участкаларини, шу жумладан, тендер ҳужжатлари, туризм инфратузилмаси объектларини (меҳмонхоналар, ресторонлар, савдо шахобчалари ва бошқа туризм инфратузилмаси объектлари) қуриш учун маҳсус режим қоидаларига амал қилишни назарда тутган ҳолда ер участкаларини лотларга бўлиш

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Консорциум ўртасида маслаҳат хизматлари битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Бўstonлиқ тумани ҳокимлиги ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУКнинг:

“Чорвоқ” эркин туристик зонасининг бош режаси билан ХУКни ташкил этиш бўйича мастер-режани белгиланган тартибда интеграция қилиш;

“Чорвоқ” эркин туристик зонаси иштирокчиси мақомига эга бўлган давлат унитар корхонаси шаклида ХУКни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича лойиҳа офисини (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил этиш;

ХУКни қуриш ва қурилиш ишлари билан боғлиқ хизматлар учун ускуналар (осма дор йўллари, тоғ-чанғи ускуналари, аттракционлар, техникалар, транспорт воситалари) сотиб олиш бўйича Франция Ғазначилигинининг қарзлари, имтиёзли кредитлари ва хорижий тижорат банкларининг қарзларини жалб қилиш ҳақидаги таклифлари мақуллансин.

3. Белгилансинки, ХУК ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган инвесторлар “Чорвоқ” эркин туристик зонаси иштирокчилари мақоми берилади ва уларга қонун хужжатларида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

4. Қуйидагилар:

ХУКни қуриш ва фойдаланишга топшириш лойиҳасини жадал амалга ошириш бўйича Амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

ХУКни қуриш ва фойдаланишга топшириш лойиҳасини жадал амалга ошириш бўйича Бошқарув кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Қуйидагилар Бошқарув кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ХУКнинг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан ХУК фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

ХУК ҳудудида қурилиш ишлари учун тайёрлашга масъул бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини, шунингдек, ташқи муҳандислик коммуникациялари тармоқларини қуриш бўйича ваколатли ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

талабгорларни “Чорвоқ” эркин туристик зонаси иштирокчилари сифатида рўйхатга олишга кўмаклашиш;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига амалий ёрдам бериш, шунингдек, ХУК худудида улар амалга оширилишини тизимли асосда назорат қилиш;

мастер режага мувофиқ “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ХУК худудида ер участкаларини сотиш нархлари ва шартларини аниқлашни ташкил этиш;

ер участкаларини сотишдан тушган маблағларни, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни тўплаш учун маҳсус ҳисобварақ очган ҳолда мақсадли фойдаланишини ва маблағлар жалб қилишни таъминлаш;

маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўз вақтида қайтарилишини ва қарзлар, кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағларнинг сўзсиз қайтарилишини таъминлаш.

6. Белгилансинки:

Лойиҳа офисига Бошқарув кенгашининг ишчи органи вазифаларини бажаради;

Лойиҳа офици фоалиятини молиялаштириш манбалари унинг фаолиятидан олинган даромадлар ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

Лойиҳа officининг раҳбари ва унинг маъмурий-бошқарув ходимлари Бошқарув кенгаш қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Лойиҳа офици ходимларини танлаш Бошқарув кенгashi томонидан белгиланадиган шартларга мувофиқ танлов ўtkазиш орқали амалга оширилади;

Лойиҳа офици ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартнома асосида амалга оширилади;

Лойиҳа officининг молиявий барқарорлигига эришгунга қадар, лекин 3 йилдан кўп бўлмаган муддатда уни сақлаш Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иктисодий асосларини экспертизадан ўтказгандан ва маъқуллангандан сўнг, ХУК қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш учун **47,9 миллион евро** миқдорида қарзни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан Франция Ғазначилиги билан қарз битимини имзолаш ваколати берилсин.

8. Белгилансинки:

а) ХУКни қуриш ва қурилиш ишлари билан боғлиқ хизматлар учун ускуналар (осма дор йўллари, тоғ-чанғи ускуналари, аттракционлар,

техникалар, транспорт воситалари) сотиб олишни молиялаштириш қуийдагича:

15 фоиз миқдорида – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банк” АЖ кредитлари ҳисобига;

85 фоиз миқдорида – Франция Газначилигининг зайлари ҳисобига;

б) Шартномани молиялаштириш:

15 фоиз миқдорида - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига, кейинчалик Лойиҳа оғиси фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобига қайтарилади;

85 фоиз миқдорида - Франция Газначилигининг зайлари ҳисобига амалга оширилади.

9. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2 йиллик имтиёзли давр, йиллик 3 фоиз ЛИБОР плюснинг 6 ойга тенг бўлган фоиз ставкаси билан 7 йил муддатга Лойиҳа оғисига тақдим этиладиган 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити ХУКнинг йўл-транспорт, коммунал ва туризм инфратузилмаларини қуриш харажатларини молиялаштириш манбаи ҳисобланади;

Франция Газначилигининг **47,9 миллион евро** миқдоридаги зайд маблағлари ва “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг **20 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағларининг асосий қарзларини қайташ, фоизлар, воситачилик ҳақи ва хизмат кўрсатиш бўйича бошқа харажатларни тўлаш Лойиҳа оғиси томонидан уч томонлама тузилган шартномага асосан кейинчалик маблағларни республика бюджетига қайташ ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

ХУКнинг инфратузилмаси қурилишини молиялаштириш харажатлари, белгиланган тартибда тасдиқланган **лойиҳани техник-иқтисодий асослаш** асосида амалга оширилади;

Лойиҳа оғиси ХУК худудида йўл-коммунал ва туризм инфратузилмасини модернизациялаш ва қуриш лойиҳаларини амалга оширишда асосий буюртмачи ҳисобланади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ХУК худудида жойлашган ер участкаларига бўлган хукуқ Бошқарув кенгашининг қарори билан “E-IJRO AUCTION” электрон савдо майдончаси орқали босқичма-босқич сотилади;

истисно тариқасида, ер участкаларини сотишдан тушган маблағларнинг 90 фоизи Лойиҳа оғиси ҳисобига, 10 фоизи Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

11. Бошқарув кенгаши (С.У.Умурзаков, А.А.Абдухакимов) “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Бўstonлиқ тумани ҳокимлиги, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда:

ХУК худуди чегараларини белгилашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК ХУК ташкил қилиш мастер-режасига киритилган обьектларни ҳисобга олган ҳолда “Чорвоқ” эркин туристик зонасининг бош режасига ўзгартириш киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Бўstonлиқ тумани ҳокимияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда:

бир ой муддатда ХУК худудида йўл-транспорт, коммунал ва туризм инфратузилмаларини қуриш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жплб қилиш бўйича мақсадли музокаралар ўtkазилишини таъминласин;

салоҳиятли хорижий инвесторлар ва лойиҳа таклифлари (объектлари) сотуви бўйича таҳлилчилар билан, шу жумладан, ташкил этилаётган “Road-show” доирасида учрашувлар ўтказсин;

ҳар чоракда хорижий инвесторлар билан ўтказилган музокаралар якуни бўйича ташаббускорлар, амалга ошириш муддатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгиланган ҳолда ХУК худудида туризм инфратузилмасини тезкор ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхатини Бошқарув кенгашига киритиб борсин.

13. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ХУК худудидаги обьектлар (меҳмонхоналар, ресторонлар, савдо шохобчалари ва бошқа туризм инфратузилмаси обьектлари) қурилишини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилиш масаласини, уларни тақдим этиш тартиби ва шартларини аниqlагan ҳолда ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бўstonлиқ туманининг туристик салоҳиятини ривожлантириш ва ХУК худудида олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича бир қатор кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А.Арипов



**“Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортни қуриш ва фойдаланишга топшириш
лойиҳасини жадал амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар
РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Назорат учун масъуллар
I. Лойиҳа офисини ташкил қилиш ҳамда мастер-режаларни тасдиқлаш ва инвестицион таклифларни тайёрлаш бўйича ташкилий чоралар					
1.	Лойиҳа офисини ташкил қилиш	1. Лойиҳа офиси Устави ва тузулмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Лойиҳа офисини жойлаштириш.	2020 йил октябрь	-	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов)
2.	Халқаро умуммавсумий курортнинг (кейинги ўринларда – ХУК) мастер-режасини тасдиқлаш.	1. Мастер-режаларни Бошқарув Кенгашига тақдим қилиш. 2. Мастер-режаларни тасдиқлаш.	2020 йил октябрь	-	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов)
3.	ХУК ҳудудини хатловдан ўтказиш ва ер участкаларини ажратиш.	1. ХУК ҳудудидаги ер участкалари, объектлар, бинолар ва бошқа иншоотларни ўрганиш ва хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов яқунлари бўйича оиласаларни қулийликлари кам бўлмаган жойларга кўчириш ҳамда авария ҳолатидаги бино ва иншоотларни бузиш жадвалини тузиш.	2020 йил ноябрь жадвалга асосан	Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига	Лойиҳа офиси, Бошқарув Кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов)

4.	<p>ХУК худудида инвестицион лойиҳаларни жадал амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш.</p>	<p>1. Тадбиркорлар билан биргаликда ХУКни ташкил қилиш бўйича мастер-режага мувофиқ равишда амалга ошириладиган лойиҳаларни мақбулаштириш чораларини кўриш. 2. ХУК худудидаги бинолар ва иншоатлар турига бўлган талабларни Консорциум таклифларига асосан тасдиқлаш. 3. ХУК худудида инвесторлар билан лойиҳаларни амалга ошириш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш.</p>	2020 йил ноябрь	-	Лойиҳа оғиси, Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов)
5.	<p>ХУКни ташкил қилиш бўйича мастер-режага мувофиқ худудда объектларни қуриш учун ер участкаларни танлов савдоларига қўйиш учун алоҳида лотларга ажратиш.</p>	<p>1. Ер участкаларини лотларга ажратиш. 2. Инвестиция мажбуриятларини тасдиқлаш. 3. Белгиланган тартибда келишиш учун киритиш; 4. Ер участкаларини сотиш бўйича танлов савдоларини ўтказиш.</p>	2020 йил ноябрь-декабрь доимий асосда	-	Лойиҳала оғиси, Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов)
6.	<p>ХУКнинг туризм салоҳиятини фаол тарғиб қилиш</p>	<p>1. Махсус веб-сайт ташкил қилиш. 2. ХУК, туризм маршрутлари ва виртуал турлар тўғрисида тўлиқ маълумотларни ишлаб чиқиш ва сайтга жойлаштириш. 3. Инвестицион таклифларни ишлаб чиқиш ва сайтга жойлаштириш.</p>	2020 йил декабрь	Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига	Лойиҳа оғиси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Азамов), Ташқи ишлар вазирлиги (Неъматов),

		4. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига туризм салоҳияти ва инвестицион таклифлар тўғрисидаги тарғибот-тарқатма материалларини йўналтириш.			Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Ходжаев)
--	--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--	-------------------------------------------------

II. ХУК ҳудудида йўл-транспорт ва коммунал инфратузилма, электр энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чоралари

7.	Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш.	1. ТИАни ишлаб чиқиш учун лойиҳа институтини белгилаш. 2. ТИАни ишлаб чиқишини молиялаштириш манбаларини белгилаш. 3. Лойиҳанинг ТИАни ишлаб чиқиш. 4. ТИАни Бошқарув кенгаши билан келишиш. 5. Лойиҳанинг ТИАни белгиланган тартибда экспертизадан ўtkазиш ва тасдиқлаш.	белгиланмоқда	Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига	Лойиҳа оғиси, Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов) Иқтисодий тарбақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Рустамов)
8.	Ишлаб чиқилган лойиҳанинг ТИА асосида йўл-транспорт коммунал инфратузулмани яхшилаш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағларини жалб қилиш.	1. Инфратузулмани қуриш учун имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш бўйича ХМИ ва ХҲМТ билан музокаралар ўtkазиш. 2. Қарз музокаларини ўtkазиш. 3. Қарз битимини имзолаш. 4. Бош пудратчини белгилаш. 5. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.	белгиланмоқда	-	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Молия вазирлиги (Ишметов),

					Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги (Салиев), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев)
9.	Мастер режага мувофиқ электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш қувватларини ошириш.	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши. 2. Курилиш-монтаж ишлари жадвалини тасдиқлаш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.	2020 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	"Худудий электр тармоқлари" АЖ (Мустафоев), "Худудгазтаъминот" АЖ (Эшмуратов)
10.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари ҳисобидан ХУКнинг Чимён зонасида йўл-транспорт ва коммунал инфратузулма, электр энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни жадаллаштирилган тарзда амалга ошириш	1. Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш учун лойиҳа институтини белгилаш. 2. Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиши молиялаштириш манбаларини белгилаш. 3. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиши 4. Техник-иқтисодий асосланишини Бошқарув Кенгаши билан келишиш. 5. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини белгиланган тартибда экспертизадан ўtkазиш ва тасдиқлаш.	2020 йил октябрь 2020 йил октябрь 2021 йил январь 2021 йил февраль 2021 йил февраль	Ижрочилар маблағлари	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги (Салиев), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), "Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ (Мирсаатов)

		<p>6. Молиялаштиришни ва қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.</p> <p>7. Курилиш-монтаж ишларини яқунлашни таъминлаш.</p>	<p>2021 йил февраль</p> <p>2021 йил август</p>		
--	--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------	--	--

III. Ускуналар сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш учун Франция Ғазначалигининг молия маблағларини тўғридан-тўғри жалб қилиш

11.	“РОМА” ва “MND” компаниялари билан ускуналарни етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича шартнома имзолаш.	<p>1. Шартномани кўриб чиқиш.</p> <p>2. Шартномани имзолаш.</p> <p>3. Шартномани бажарилишини мониторинг қилиш.</p>	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>доимий асосда</p>		<p>Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов), Молия вазирлиги (Ишметов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Бекенов)</p>
12.	Франция Ғазначалиги билан қарз шартномасини имзолаш.	<p>1. Қарз шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қарз музокаларини ўтказиш.</p> <p>3. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>4. Кредитни тўлаш графигини тасдиқлаш ва республика бюджети маблағлари ҳисобига босқичма-босқич тўлаб бориш.</p>	белгиланмоқда		<p>Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Молия вазирлиги (Ишметов)</p>
13.	Танлаб олинган етказиб берувчиларнинг хорижий валютада тўланувчи етказиб бериладиган ускуналарини нархлари верификацияси	<p>1. Хорижий валютада тўланувчи етказиб бериладиган ускуналарнинг нархлари верификацияси (экспертизаси) ва юклашдан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш учун компания билан шартнома тузиш.</p> <p>2. Нархлар верификацияси ва юклашдан олдин мажбурий</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	Ижрочилар маблағлари	<p>Лойиҳа офиси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов)</p>

	(экспертизаси) юклашдан мажбурий инспекциядан ўтказиш компания қилиш.	ва олдин учун жалб	инспекциядан ўтказиш учун керакли хужжатларни бериш. 3. Нархлар верификацияси ва юклашдан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш натижаларини олиш.	шартнома асосида		
--	-----------------------------------------------------------------------	--------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------	--	--

IV. ХУК худудида объектлар қурилиши учун маҳаллий ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш

14.	Осма дор йўллари ва тоғ-чанғи трассаларини инвестиация мажбуриятлари билан ишончли бошқарувга бериш.	1. Салоҳиятли ҳамкорлар рўйхатини шакллантириш. 2. Тасдиқланган салоҳиятли инвесторлар лойиҳа таклифини муҳокама қилиш. 3. Ҳамкорлик шартномасини имзолаш. 4. Тармоқ графигини тасдиқлаш. 5. Лойиҳа бизнес-режаларини тайёрлаш.	2020 йил декабрь хорижий томон билан келишув асосида	Ижрочилар маблағлари	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов) Лойиҳалаштириш офиси
15.	Тоғ-чанғи туризми соҳасига хорижий инвесторларни жалб қилиш учун француз эксперталари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа таклифларини сотиш бўйича “Road-show” ўтказиш.	1. “Road-show” ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. “road-show” доирасида ишлатилувчи инфекцион таклифларнинг тўлиқ пакетини шакллантириш. 3. “road-show” якунлари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил октябрь “Road-show” якунлари бўйича 10 кун ичида	Тоғли ва узоқ ҳудудларда туризм инфратузулмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига	Бошқарув кенгаши (Умурзаков, Абдухакимов), Ташқи ишлар вазирлиги (Неъматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “**17**” сентябрдаги **559**-сон қарорига
2-илова

**“Белдирсой-Чимён-Нанай” ХУКни қуриш лойиҳасини жадал амалга
ошириш ва ишга тушириш бўйича Бошқарув кенгашининг
ТАРКИБИ**

1. Умурзаков С. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири, *Кенгаш ҳамраиси*
2. Абдухакимов А. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, *Кенгаш ҳамраиси*
3. Бекенов С. - Давлат активларини бошқариш агентлиги директори, *Кенгаш раиси ўринbosари*
4. Воитов А. - Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринbosари
5. Саифназаров С. - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринbosари
6. Хидоятов Ш. - Қурилиш вазирининг ўринbosари
7. Ходжаев Ш. - Энергетика вазири ўринbosари
8. Абдувалиев А. - Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси в.б.
9. Азамов У. - Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринbosари
10. Низамов С. - Тошкент вилояти ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш бўйича ўринbosари
11. Мирсоатов А. - “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ бошқаруви раиси”
12. Фредерик Жамард - “Geode” компанияси раҳбари (*келишувга асосан*)
13. Жан-Лу Патриарх - “Patriarche” компанияси раҳбари (*келишувга асосан*)
14. Филипп Лебрассур - “Manie Lives” компанияси раҳбари (*келишувга асосан*)
15. *Лавозимига қўра* - Вазирлар Маҳкамасининг Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти мудири, *Кенгаш котиби*

Изоҳ. Бошқарув Кенгashi аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушибу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.